

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc. 02/30.01.2020. К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ҚОДИРАЛИЕВА ФОТИМАХОН АКБАРОВНА**

***Crotalaria alata* ва *Crotalaria sp.* полисахаридлари.  
Галактоманнанларнинг тузилиши, хусусиятлари ва улардан  
амалий фойдаланиш истиқболлари**

02.00.10- Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Қодиралиева Фотимахон Акбаровна**

*Crotalaria alata* va *Crotalaria sp.* полисахаридлари.

Галактоманнанларнинг тузилиши, хусусиятлари ва улардан

амалий фойдаланиш истиқболлари..... 3

**Қодиралиева Фотимахон Акбаровна**

Полисахариды *Crotalaria alata* va *Crotalaria sp.* Структура,  
свойства галактоманнанов и перспективы их практического

использования..... 21

**Kodiralieva Fotimakhon Akbarovna**

Polysaccharides *Crotalaria alata* and *Crotalaria sp.* Structure,

properties of galactomannans and prospects of their practical use..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 45**

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.01.2020. К/Т.104.01.**

**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ҚОДИРАЛИЕВА ФОТИМАХОН АКБАРОВНА**

***Crotalaria alata* ва *Crotalaria sp.* полисахаридлари.  
Галактоманнанларнинг тузилиши, хусусиятлари ва улардан  
амалий фойдаланиш истиқболлари**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар аҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/К261 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) ([www.uzicps.uz](http://www.uzicps.uz)) ва «Ziyou.net» ахборот-таълим порталида ([www.ziyou.net](http://www.ziyou.net)) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Раҳманбердиева Рапо Каримовна  
кимё фанлари доктори

Расмий ошпонентлар:

Гусакова Светлана Дмитриевна  
кимё фанлари доктори, профессор

Шомуротов Шавкат Абдуганиевич  
кимё фанлари доктори

Етакчи таъкилот:


Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий Университети


Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc. 02/30.01.2020. К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «11» ноябр соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail [plant.inst@icps.org.uz](mailto:plant.inst@icps.org.uz), [ixrv@mail.ru](mailto:ixrv@mail.ru)).


Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин ( 13 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўчаси, 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: [nhidirova@yandex.ru](mailto:nhidirova@yandex.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «29» октябрь да тарқатилади.  
(2021 йил «29» октябрь даги 7 рақамли реестр баённомаси)



  
Ш. Ш. Сағдуллаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д. проф.

  
Н.К. Хидирова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.н.

  
С.Ф. Арипова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда дунёда ўсимликлардан юқори молекулали углевод табиатли бирикмаларни ажратиш олиш ва ўрганиш, улар асосида юқори самарали дори воситаларини яратиш жадал ривожланмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон флорасида кенг тарқалган *Fabaceae* оиласига мансуб ўсимлик уруғларининг сувда эрувчи полисахаридлари-галактоманнанлар катта қизиқиш уйғотмоқда. Галактоманнанларнинг сувли эритмаларининг ўзига хос хусусиятлари туфайли галактоманнанлар озиқ-овқат, фармацевтика ва тўқимачилик саноатида озиқ-овқат қўшимчалари, стабилизаторлар, қуюқлаштирувчи ва гель ҳосил қилувчи моддалар сифатида ишлатилади. Улар заҳарли эмас, аллергия реакциялар келтириб чиқармайди ва танада тўпланмайди. Шунини таъкидлаш керакки, бу оила ўсимликларининг Ўзбекистон республикасида ўсадиган айрим турлари етарли даражада ўрганилмаган, интродукция қилинган ўсимлик турлари эса умуман ўрганилмаган. Бундай истиқболли ўсимликлардан бири *Crotalaria* тури ўсимлиги бўлиб, ушбу тури интродукция қилиш мақсадида уни Ўзбекистонда, хусусан Қорақалпоғистонда интродукция қилинадиган ўсимликлар рўйхатига киритилган. Бу турдаги ўсимликлар тола олиш, тупроқ унумдорлигини оширишда ва асаларичиликда қизиқиш уйғотади. *Crotalaria* тур ўсимлигининг ўсиш ва ривожланиш даврида унинг турли органларида полисахаридларнинг тўпланиши ва кимёвий таркиблари тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Шу сабабли интродукция қилинган *Crotalaria* турларининг полисахаридларини кимёвий таркибини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда полисахаридларни модификациялашга катта эътибор қаратилмоқда. Кимёвий модификациянинг энг истиқболли усулларида бири ўсимлик полисахаридларини сульфатлаш бўлиб, хайвонлардан олинган гепаринни, тиббиёт талабига эга бўлган, ўсимликдан олинган гепаринга ўхшаш антикоагулянтлар билан алмаштиришдан иборат. Ножўя таъсири бўлган гепаринга рақобатдош препаратлар излаш ва яратиш жаҳон фанида муҳим тадқиқот йўналиши сифатида эътироф этилган. Бунга сабаб тўғридан -тўғри таъсир этувчи антикоагулянт фаолликга эга гепарин препаратининг баъзи камчиликлари.

Юқоридагиларга асосланиб, *C. alata* (Ўзбекистон) ва *Crotalaria sp.* (Ҳиндистон) полисахаридларининг таркиблари, тузилишини қиёсий ўрганиш ва галактоманнанларнинг модификацияланган шакллари яратиш ва уларнинг биологик фаолликларини ўрганиш илмий қизиқиш уйғотиб, назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг <sup>1</sup>2017-йил 7-февралдаги № УП-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Фармонида ва 2017-йил 23-августдаги «Республикада целлюлоза – қоғоз ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватларни ташкил этиб, халқ хўжалигининг бу маҳсулотга

<sup>1</sup> 2017-йил 7-февралдаги № УП-4947-сонли “017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”

бўлган талабини қондириш тўғрисида» № ПП-3244-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» ва VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда кўплаб олимлар томонидан полисахаридларнинг тузилиши ва хоссалари ўрганилиб, уларнинг биологик фаоллиги аниқланган. Шу жумладан, Miguel A., Cerqueira ва бошқалар (Institute of Biothechnology and Bioengineering, Portugal) дуккакдилар оиласига мансуб ўсимликларнинг галактоманнанларини ажратиб олиб, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ва тузилишларини аниқлашган. Yong-Li Yang ва бошқалар (School of Food Engineering and Biotechnology, China) *Crotalaria mucronata Desv.* ўсимлик уруғидан олинган галактоманнаннинг тузилишини ўрганишда атом-кучланишли микроскопдан фойдаланиб изланишлар олиб боришган. Tegshi Muschin ва бошқалар (Department of Bio and Environmental Chemistry, Kitami Institute of Technology, Hokkaido, Japan) табиий сульфатланган галактоманнанларнинг ўзига хос вирусларга қарши ва антикоагулянт фаоллигини аниқлашган. V.R.F. Dos Santos, B.W.S. Souza, J.A. Teixeira, A.A. Vicente ва M.A. Cerqueira (Universidade of Food do Ceara, Portugal, Departamento de Engenharia de Pesca, Brazil) пленка олишда галактоманнанларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиб чиқишган. Thambiraj S.R. (Western Sydney University). Австралиянинг люпини уч туридан ажратиб олинган галактоманнанларнинг биологик фаоллигини ва тузилиш хусусиятларини ўрганишган.

Россия олимлари биология фанлари доктори, проф. В.Д Щербухин, Н.М. Местечкина, А.В. Егоров, О.В. Анулов (РФА А.Н. Бах номидаги Биокимё институти) Россия ҳудудида ўсадиган дуккакдилар оиласига мансуб ўсимликлар галактоманнанларининг тузилишини чуқур ўрганиб чиқдилар. О. В. Анулов дуккакдилар оиласига мансуб 59 ўсимликни кимёвий скрининг қилиб, улардан манноза сақловчи сувда эрувчи полисахаридларни ажратиб олди ва уларнинг мономер таркибларини ўрганиб чиқди. Н.М. Местечкина ва А.В. Егоров сульфатланган галактоманнанлар синтез қилиб уларнинг антикоагулянт фаоллигини ўрганди.

Ўзбекистон Республикасида мазкур йўналишда академик А.С. Тураев раҳбарлигида к.ф.д. Н.С. Нормоҳаматов ва Ш.А. Шомуродов ҳамда PhD О. Аҳмедов (ЎзР ФА акад. О.С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти) турли полисахаридларнинг модификацияси борасида илмий изланишлар олиб борганлар. Улар полисахаридларнинг (карбоксиметиллаш, сульфатлаш, нитратлаш) модификация реакциялари қонуниятларини ўрнатдилар. Белгиланган молекуляр параметрга эга бўлган полисахаридлар олиш

имкониятини кўрсатиб берганлар. Гидрофил полимерлар – гуар сақичи, натрий карбоксиметилцеллюлоза, пектин, карбопол асосида кимёвий ўзаро боғланиш ёрдамида дори яратишга яроқли макромолекуляр гель тизимларини олганлар.

ЎзР ФА акад. С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида ушбу йўналишда кимё фанлари доктори, проф. Д.А. Рахимов раҳбарлигида к.ф.д. Р.К. Раҳманбердиева, аспирант М.Р. Мирзаева илмий изланишлар олиб борганлар. Улар Республикада ўсадиган дуккакдилар оиласига мансуб ўсимлик уруғларини ўрганиб, уларда галактоманнанлар мавжудлигини аниқлаганлар ва ушбу полимерларнинг асосий занжири полиманнандан иборат эканлигини кўрсатиб берганлар.

К.ф.д. Раҳманбердиева Р.К. илк бор *Gleditsia macracantha* уруғидан ён занжирдаги галактоза қолдиғининг С-6 атомига арабинофуранозанинг С-1 атоми орқали бириккан тармоқланган янги арабиногалактоманнан ажратиб олган. *G. triacanthos* галактоманнани асосида периферик қон лимфоцитларини ажратиш учун ташхис қўювчи "гледол" реактивини яратган ва тиббиёт амалиётига жорий қилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т188 "Маҳаллий истиқболли ўсимлик биополимерларининг тузилиши, хусусиятлари ва биологик фаоллиги" (2012-2016 йй.) ва ФА-Ф6-007 "Доривор ўсимликларнинг полисахаридлари ва уларнинг модификацияланган шакллари" (2017-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Crotalaria alata* ва *Crotalaria sp.* ўсимлигининг турли органларидаги углеводлар комплексини тадқиқ қилиш, галактоманнанларнинг кимёвий тузилишининг структуравий хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг ўзига хос биологик фаоллигини, шунингдек халқ хўжалигида қўллаш йўллариини излашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- интродукция қилинган *C.alata* ва *Crotalaria sp.* (Ҳиндистон) турли органларидан полисахаридларни ажратиб олиш, хоссалари, таркиби ва тузилиши бўйича қиёсий таҳлил қилиш;
- *C.alata* уруғлари ва уруғ қобиғидаги полисахаридлар гуруҳларининг тўпланиш динамикасини ва ўсимлик уруғларидаги галактоманнанларнинг максимал тўпланиш даврини аниқлаш;
- *C.alata* ва *Crotalaria sp.* уруғларидан ажратиб олинган галактоманнанларнинг тузилишини кимёвий ва спектрал усулларда ўрганиш;
- *C.alata* галактоманнани сульфатлаш, табиий ва сульфатланган галактоманнанларнинг усткимолекуляр тузилишини қиёсий ўрганиш;
- табиий ва сульфатланган *C. alata* галактоманнанларини биологик фаолликларини аниқлаш ва амалиётда қўллаш;
- агар-агарни *C.alata* галактоманнани билан алмаштириб микробиологик тадқиқотларда қўлланадиган озуқа муҳит таркибини ишлаб чиқиш;

- қоғоз саноати учун *C.alata* поясидан целлюлоза олишнинг муқобил шароитини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Тадқиқот объектлари – *C.alata* ва *Crotalaria sp.* уруғлари, ер усти ва ер ости органлари.

**Тадқиқотнинг предмети** – *C.alata* ва *Crotalaria sp.*нинг сувда эрувчи полисахаридлари, пектин моддалари, гемицеллозалари, галактоманнанлари ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари, сульфатланган галактоманнанлар ва уларнинг биологик фаолликлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда биоорганик кимё (экстракция, тозалаш, кислотали гидролиз, метиллаш, оксидлаш, деполимеризациялаш, сульфатлаш) усуллари қўлланилган. Аналитик усуллар: полисахаридларнинг сифат ва миқдор таҳлили, титриметрик ва турбодиметрик усуллар. Физикавий тадқиқот усуллар: ИҚ-, ГХ, ГХ/МС,  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР икки ўлчовли гомоядроли (COSY, TOCSY, ROESY) ва гетероядроли (HSQC, HMBC), электрон микроскопик таҳлил.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор *Crotalaria alata* ва *Crotalaria sp.* ўсимлигининг барча органлари (илдизлари, поялари, барглари, гуллари, уруғлари)нинг углеводлар таркиби аниқланган, ўсимлик уруғларида галактоманнанларнинг максимал даражада тўпланиш даври кўрсатилган. Тупроқ ва иқлим шароитининг полисахаридлар таркибига, физик-кимёвий параметрларига ва *Gal/Man* нисбатига таъсири кўрсатилган. Галактоманнанлар *Crotalaria* турига кирувчи ўсимликларнинг хемотаксономик маркерлари эканлиги ва олинган маълумотлар *Fabaceae* оила вакиллари хемосистематикасини тўлдириши кўрсатиб берилган;

*C. alata* ва *Crotalaria sp.* галактоманнанлар макромолекуласининг тузилиши, хоссалари ва усткимолекуляр тузилиши ҳақида янги маълумотлар олинган;

*C. alata* (ГМС) ва *Crotalaria sp.* (ГМ-SP) галактоманнанларининг тузилиши кимёвий ва спектрал усуллар билан исботланган. ГМС ва ГМ-SP галактоманнанларнинг асосий занжири  $\beta$ -1,4-боғи билан боғланган полиманнанлардан иборат бўлиб, уларда баъзи маннопираноза қолдиқлари ён занжирида  $\alpha$ -1,6 боғи билан боғланган галактопираноза қолдиқларидан ташкил топган, яъни (1→6)- $\alpha$ -D-галактозил-(1→4)- $\beta$ -D-маннандан иборат эканлиги исботланган. Галактоманнанлар бир биридан молекуляр оғирлиги, таркибидаги моносахаридлар нисбати ва ён занжиридаги  $\alpha$ -D-галактоза қолдиғининг кетма-кетлиги билан фарқ қилиниши, галактозанинг иккита маннопираноза қолдиғидаги кетма-кетлик эҳтимоли аниқланган. ГМС макромолекуласида битта алмашинган *Galp (Man-Man)*, ГМ-SP эса – иккита алмашинган *Galp(Manp-Manp)Galp* маннобиоз блоклари устунлиги кўрсатилган;

*C. alata* галактоманнанининг кимёвий модификацияси амалга оширилган ва сульфатланган галактоманнан олиниб, унинг тузилиши ўрганилган. Электрон микроскоп маълумотлари асосида *C. alata* галактоманнанининг глобуляр шаклда эканлиги кўрсатилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагича:** *C. alata* сульфатланган галактоманнани кам захарли бирикма бўлиб, гепарин препарати



билан каламушларда *in vivo* солиштириб ўрганилганда тўғридан тўғри таъсир этувчи антикоагулянтлик фаолликни намоён этиши аниқланган.

*S. alata* галактоманнани микроскопик замбруғларни ўстириш учун зич озуқа мухитини яратишда агар-агарни 70%га алмаштириб, микробиологик амалиётда фойдаланиши мумкинлиги аниқланган. Агар-агарни қисман алмаштириш микроорганизмларни етиштириш вақтини 2 кунга қисқартирган, биологик материал ишлаб чиқаришни тезлаштирган ва одатдаги мухитга нисбатан биомассанинг тўпланишини оширган.

*S.alata* поясидан лаборатория шароитида  $\alpha$ -целлюлоза миқдори 92% бўлган тоза целлюлоза олинган ва бу қоғоз ишлаб чиқариш учун потенциал хом ашё эканлиги кўрсатиб берилган. ТошКТИ билан биргаликда лаборатория шароитида биринчи марта ГОСТ 6840-78 га мос келадиган босма қоғоз намуналари олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** полисахаридларнинг тузилиши кимёвий, физикавий, замонавий спектрал ва биологик усуллардан фойдаланиш билан тасдиқланган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги уларнинг халқаро ва ҳорижий илмий журналларда нашр этилганлиги, халқаро ва республика конференцияларда муҳокама қилинганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг патенти олинганлиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, биринчи марта Ўзбекистон республикида интродукция қилинган *S. alata* уруғи полисахаридларининг хоссалари, структураси ва таркиби ўрганилган. *S. alata* ва *Crotalaria sp.* уруғларида сувда эрувчи полисахаридлар-галактоманнанларнинг мос равишда 22.1 ва 16.8% эканлиги аниқланган.

Биринчи марта *S. alata* (ГМС) ва *Crotalaria sp.* (ГМ- SP) уруғларидан ажратиб олинган галактоманнанларнинг кимёвий тузилиши борасида янги маълумотлар олинган ва уларнинг ўзига хос томонлари кўрсатиб берилган. Олинган натижаларни адабиёт маълумотлари билан таққосланганда, куйидаги хулосага келинди, *S. alata* ва *Crotalaria sp.* уруғларининг галактоманнанларининг тузилиши *Fabaceae* оиласига кирувчи ўсимлик галактоманнанларининг энг кўп тарқалган турига киради. Шу билан бирга баъзи галактоманнанлар бир-биридан Gal/Man нисбати, молекуляр оғирлиги ва галактоза қолдиқларининг асосий занжир бўйлаб тақсимланиши билан фарқ қилади.

*S. alata* сульфатланган галактоманнанини қўллаш имкониятлари кенг бўлган хоссалари ва тузилишлари бўйича янги маълумотлар олинган, ушбу натижалар янги маҳаллий дори воситалари яратишда фундаментал асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, *S. alata* сульфатланган галактоманнани олишнинг муқобил шароити ишлаб чиқилган бўлиб, бу тўғридан-тўғри антикоагулянт таъсирга эга препарат олиш имконини беради.

Микробиология амалиётда қўлланиладиган микроскопик замбруғларни ўстириш учун *S. alata* галактоманнани асосида зич озуқа мухити олиш усули ишлаб чиқилган.

*S. alata* поясидан целлюлоза олишнинг оптимал шароити топилган ва поя қоғоз саноатида целлюлоза ишлаб чиқариш учун потенциал хом ашё эканлиги

кўрсатиб берилган. Тошкент кимё технология институти томонидан ушбу целлюлоза асосида қоғоз тайёрланиб, унинг хоссалари тўғрисида 01.04.2021 йилда далолатнома олинган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Илмий тадқиқотлар натижаси асосида микробиологик муҳитни тайёрлаш усули ишлаб чиқилган "Микроскопик замбуруғларни етиштириш учун зич озуқа муҳит таркиби" (№IAP 05478, 2017 й.) Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган. Натижада микробиологик ва биотехнологик амалиётида фойдаланиладиган кенг ассортиментдаги микроскопик замбуруғларни етиштиришнинг микробиологик муҳитини яратиш имконияти пайдо бўлган. Бу озуқа муҳити нархини пасайтириш ва хом ашё базасини кенгайтириш имконини берган;

мазкур изланишлар бўйича олинган илмий натижалар юқори импакт факторга эга бўлган етакчи хорижий журналларда (*Bioactive Carbohydrates and Dietary Fibre*, 5, 2015, p.10-18; *Carbohydrate Polymers* 175, 2017, p. 387–394; *Creature Companion* 2019, September: 40, 42). чет эл муаллифлари томонидан галактоманнанларнинг хоссаларини ва тузилишини аниқлашда ишлатилган. Натижада диссертациядаги илмий натижалардан фойдаланиш бошқа олимларга ўсимликлардан ажратиб олинган полисахаридларнинг хоссалари, кимёвий тузилишини ўрнатишда ва биологик фаоллиги тўғрисида маълумотлар олиш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси ССВ Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказнинг *S. alata* сульфатланган галактоманнанининг антикоагулянт фаоллиги тўғрисида (рўйхат рақами 01-4/266. 29.09.2020 й.) хулосаси олинган. Натижада олинган маълумотлар ўсимлик полисахаридлари асосида тўғридан-тўғри антикоагулянтлик фаоллигга эга бўлган препаратлар яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза ва муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та патент, 5 та илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 4 та халқаро, 1 та МДХ давлатлари журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бет компьютер матнни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "Олий ўсимликларнинг полисахаридлари" деб номланган **биринчи бобда** ўсимликдан галактоманнанларни ажратиб олиш, уларнинг хоссалари, кимёвий структураси ва модификацияси ҳамда биологик фаолликлари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган.

**Иккинчи бобда** "*Crotalaria alata* ва *Crotalaria sp.* полисахаридлари. Галактоманнанларнинг тузилиши, хоссалари ва улардан амалий фойдаланиш истиқболлари" мавзусида тадқиқот натижалари тақдим этилган ва муҳокама қилинган. *Crotalaria alata* ва *Crotalaria sp.* нинг турли органларида: уруғлари, уруғ қобиклари, ўсимликларнинг ер усти ва ер ости қисмлардаги полисахаридларнинг тақсимланиши ўрганилган. Сувда эрувчи полисахаридлар (СЭПС), пектин моддалари (ПМ) ва гемицеллюлозалар (ГМЦ) ажратиб олинган. Сувда эрувчи полисахаридлар икки усулда: хона ҳароратида ва  $T=50-60^{\circ}\text{C}$  сув билан экстракция қилиниб СЭПС-с ва СЭПС-и мос равишда, ПМ тенг ҳажмли  $0,5\%$   $(\text{NH}_4)_2\text{C}_2\text{O}_4$  ва  $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4$  (1:1) эритмалар аралашмасида  $T=70^{\circ}\text{C}$ , ГМЦ -  $5\%$   $\text{NaOH}$  да 3 соат хона ҳароратида экстракция қилиб олинган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, полисахаридлар ўсимликнинг турли қисмларида бир хил тақсимланмаган. СЭПС максимал миқдори *C alata* уруғларида –  $22.1\%$ , *Crotalaria sp.* уруғлари ва баргларида  $16.8\%$  ва  $9.5\%$  мос равишда кузатилди (1 -жадвал).

1 -Жадвал

*Crotalaria sp.* углеводларининг миқдори ва моносахарид таркиби

ПС тури	Қуруқ хом ашёда маҳсулот унуми, %	Моносахарид қолдиқларининг нисбати						
		<i>Rha</i>	<i>Ara</i>	<i>Xyl</i>	<i>Man</i>	<i>Glc</i>	<i>Gal</i>	<i>UAc</i>
Уруғ								
СЭПС	<b>16.8</b>	0.38	2.5	1.6	76.3	1.5	17.5	-
ПМ	10,0	-	13.3	1.7	20.8	-	64.0	+
ГМЦ	0.75	2.1	10.2	17.0	45.7	7.3	17.6	-
Барг								
СЭПС	<b>9.5</b>	14.0	<b>27.6</b>	3.6	6.4	14.2	34.0	-
ПМ	2.05	1.6	3.8	1.4	6.2	3.0	83.9	+
ГМЦ	3.1	20.4	27.4	24.7	3.3	11.3	12.7	-
Пояси								
СЭПС	0.2	4.4	8.9	55.9	2.6	20.0	8.0	-
ПМ	0.8	16.8	45.5	-	10.8	9.1	17.7	-
ГМЦ	1.5	6.9	2.7	81.9	1.0	3.9	6.2	-
Илдиз								
СЭПС	1.0	6.8	37.1	3.2	9.5	12.1	31.1	-
ПМ	0.8	2.6	4.6	1.4	7.0	1.9	82.3	-
ГМЦ	2.7	5.0	2.8	83.4	1.2	3.3	4.1	-
Гуллари								
СЭПС	2.3	-	40.2	-	8.0	17.1	34.6	-
ПМ	3.4	1.4	20.8	7.6	34.0	8.6	27.4	-
ГМЦ	3.0	9.6	14.0	41.8	-	-	34.3	-

ПМ нинг энг юқори миқдори *Crotalaria sp.* уруғида  $-10\%$  бўлиб, бошқа органларида полисахаридлар миқдори анча паст.

*C alata* ва *Crotalaria sp.* СЭПС оқ ёки қаймоқ ранг аморф кукунлар бўлиб, улар сувда эриб, нисбий қовушқоқликдаги (49,86 ва 6,08) эритмалар ҳосил қилади.

Пектин моддалари - оқ аморф кукунлар бўлиб, сувда яхши эрийди. Титриметрик маълумотлар кўра этерификация даражаси 70 дан 97%гача ташкил этиб, юқори этерификацияланган пектинлар қаторига киради.

Гемицеллюлозалар оч ва қуюқ жигар ранг кукунлар бўлиб, ишқорий эритмаларда тўлиқ эрийди. Моносахарид таркибига кўра, улар ксилан типигаги полисахаридларга тегишли.

Иккала ўсимликнинг ер устки ва ер остки қисмларидан ажратилган СЭПС асосий моносахарид таркиблари арабиноза, галактоза, ксилозадан, уруғлари-галактоза ва маннозадан иборат. Демак, бу ўсимликларнинг уруғлари сувда эрийдиган полисахаридлар-галактомананлар манбаи ҳисобланади. Шундай қилиб, тадқиқот натижалари *Fabaceae* оила вакиллариининг хемосистематикасини тўлдиради.

### ***Crotalaria alata* ўсимлигининг ривожланиш даврида углеводлар тўпланиш динамикаси**

*C. alata* уруғи ва қобиғида галактоманнанларнинг максимал миқдорини аниқлаш учун вегетация даврида полисахаридларнинг тўпланиш динамикасини беш босқичда ўрганилди: I – сут даври, II– мум даври; III– юмшоқ пишиш даври; IV – уруғларнинг пишиш даври; V – тинч даври (2-жадвал).

Ўсимликнинг ривожланиши ва ўсиши билан углеводларнинг миқдори аста-секин ортиб бориши, бунда СЭПСнинг максимал миқдори тинч даврига, пектин моддалари ва гемицеллюлозалар - уруғларнинг пишиш даврига тўғри келиши аниқланди. Биринчи ва учинчи босқичда қобиқларда СЭПС унуми 1.5%, уруғларда – 4.6% бўлса, тинч давр охирида уруғдаги СЭПС унуми 15% га етди.

Полисахаридларнинг моносахарид таркибини аниқлаш шуни кўрсатдики, *C. alata* уруғидан ажратиб олинган СЭПС асосан галактоза ва маннозадан иборат. Шуни таъкидлаш керакки, вегетация бошида, яъни сут ва мум даврида, СЭПС таркибида галактурон кислотаси мавжуд бўлиб, унинг миқдори уруғлар етилиб борган сари камаяди (2-жадвал). Бу уруғларнинг сут даврида эрувчан пектин таркибига кирувчи арабиноза, галактурон кислотаси синтез қилиниши билан боғлиқдир, юмшоқ пишиш давридан бошлаб галактурон кислотаси йўқ бўлиб, галактоза ва маннозанинг унуми орта бошлайди, бу босқичда сувда эрувчи полисахаридлар синтези бошланиши эҳтимол қилинди.

Ўсимликнинг барча фенофазаларида *C. alata* уруғларида турли хил полисахаридларнинг тўпланиш динамикасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ўсимликнинг ўсиши ва уруғнинг етилиб бориши билан СЭПСнинг миқдори ортиб боради, тинч даврда энг кўп миқдорда тўпланиши аниқланган, шунинг учун ҳом ашёни шу даврда тайёрлаш керак. Галактоманнанлар асосан *Crotalaria* ўсимлик уруғларида синтез қилиниши ва бошқа органларда галактомананлар оз миқдорда бўлишини тажриба маълумотлари тасдиқлайди.

*S. alata* уруғи ва қобиғида турли полисахарид гуруҳларининг тўпланиш динамикаси ва ривожланиш босқичларида уларнинг моносахарид таркиблари

Давр босқичлари	Курук хом ашёда маҳсулот унуми, %	Моносахарид қолдиқларининг нисбати						
		<i>Rha</i>	<i>Ara</i>	<i>Xyl</i>	<i>Man</i>	<i>Glu</i>	<i>Gal</i>	<i>UAc</i>
Суг даври								
СЭПС (уруғ)	0.7		0.1	сл.	1.8	сл.	1.4	+
ПМ (уруғ)	0.6	1.0	2.1	3.2	4.2	4.4	3.9	+
ГМЦ (уруғ)	0.9	-	сл.	8.9	1.8	5.1	2.1	-
СЭПС (қобик)	1.5	-	сл.	сл.	1.0	-	1.3	+
ПМ (қобик)	0.6	2.3	1.8	-	1.0	-	1.1	+
ГМЦ (қобик)	0.9	1.2	сл.	1.7	0.8	0.6	1.0	-
Мум даври								
СЭПС (уруғ)	1.6	-	0.1	сл.	1.0	-	1.2	+
ПМ (уруғ)	0.9	-	сл.	сл.	1.0	-	2.0	+
ГМЦ (уруғ)	1.5	-	сл.	6.9	1.1	1.0	1.5	-
СЭПС (қобик)	1.3	-	1.1	1.0	1.0	-	1.6	+
ПМ (қобик)	2.2	1.0	1.3	сл.	1.7	1.0	1.1	+
ГМЦ (қобик)	1.2	1.1	1.2	1.4	2.4	1.9	1.3	-
Юмшоқ пишиш даври								
СЭПС (уруғ)	4.6	-	сл.	сл.	3.8	-	3.0	-
ПМ (уруғ)	1.9	-	1.0	-	2.0	-	1.0	+
ГМЦ (уруғ)	4.3	-	1.6	2.6	1.0	1.1	1.2	-
СЭПС (қобик)	1.1	-	1.1	сл.	1.3	1.1	1.8	-
ПМ (қобик)	0.3	1.8	1.4	1.0	2.3	1.1	1.7	+
ГМЦ (қобик)	0.5	сл.	1.6	1.8	3.2	1.8	1.0	-
Уриғларнинг пишиш даври								
СЭПС (уруғ)	5.4		-	сл.	5.0	-	3.2	-
ПМ (уруғ)	2.2	1.3	5.6	4.9	9.8	-	3.8	+
ГМЦ (уруғ)	3.0	1.2	2.4	5.1	сл.	1.0	2.9	-
СЭПС (қобик)	3.2	-	1.8	1.0	3.0	-	5.0	-
ПМ (қобик)	0.7	1.1	2.9	сл.	1.9	1.0	1.7	+
ГМЦ (қобик)	0.7	1.5	сл.	2.0	1.6	2.5	1.0	-
Тинч даври								
СЭПС (уруғ)	15.0	сл.	1.0	6.6	18	-	5.1	-
ПМ (уруғ)	1.2	1.0	15.8	3.5	24.5	-	4.5	+
ГМЦ (уруғ)	1.4	2.3	3.2	7.2	1.0	сл.	3.7	+
СЭПС (қобик)	0.6	2.0	-	2.0	1.0	1.1	сл.	+
ПМ (қобик)	2.6	1.0	сл.	сл.	5.0	1.6	2.0	+
ГМЦ (қобик)	0.09	-	1.0	2.4	1.7	1.8	2.4	-

***S. alata* уруғида галактоманнан тузилишини ўрганиш**

*S. alata* СЭПС нинг сувли эритмасини спирт билан фракциялаб, Gal/Man нисбати 1:3 ва Мм 540 қДа бўлган гомоген галактоманнан ГМС олинди.

ГМС - оқ аморф кукун,  $[\alpha]_D^{22} + 20^\circ$  (0,1%; H<sub>2</sub>O), сувда эриб қовушқоқ эритма ҳосил қилади ( $\eta_{\text{нисб.}} - 49.86$ , с 0,75%; H<sub>2</sub>O). ГМС нинг ИҚ спектрида 815 см<sup>-1</sup> (пираноз ҳалқа), 872 см<sup>-1</sup> (β-гликозид боғ), 725 см<sup>-1</sup> (α-гликозид боғ) ўзига хос ютилиш соҳалари мавжуд.

ГМС нинг кимёвий структураси хром оксиди, перйодат натрий билан оксидлаш ва метиллаш усуллари ёрдамида аниқланди. ГМС ни Смит усули бўйича оксидланганда

асосан эритритни аниқланиши галактоманнан таркибидаги гексоза қолдиқлари орасида 1,4 боғланиш мавжудлигини, глицеринни ҳосил бўлиши эса полисахариднинг полимерланиш даражасининг юқорилигини ва гексоза қолдиқлари орасида 1,6 боғланиш борлигидан далолат беради.

**ГМС нинг Хакомори усули бўйича метилланганда** унуми 63%,  $[\alpha]_D + 27^\circ$  (0,1%;  $\text{HCl}_3$ ) тўлиқ метилланган маҳсулот олинди. Метиллашнинг тўлиқ кетганлиги тўғрисидаги маълумотни ИҚ спектрда 3200-3600  $\text{cm}^{-1}$  ютилиш соҳалари йўқолганлиги кўрсатади. ГМС перметилатининг гидролиз маҳсулоти маълум стандартлар билан ГЖХ қилинганда 2,3,4,6-О- $\text{Me}_4$ -D-Gal (14,8%), 2,3,4,6-О- $\text{Me}_4$ -D-Man (2,06%), 2,3,6-О- $\text{Me}_3$ -D-Man (43,9%), 2,3-О- $\text{Me}_2$ -D-Man (11,5%) идентификация қилинди. 2,3,6-О- $\text{Me}_3$ -D-Man мавжудлиги асосий занжирдаги манноза қолдиқлари 1,4-гликозид боғлари билан боғланганлигини кўрсатди. Ди-О-метил-D-маннозанинг аниқланиши, оксидланиш натижаларини тасдиқлаб, макромолекула занжирининг тармоқланганлигини кўрсатиши билан бирга иккинчи компонент галактоза асосий занжирга 1,6-боғи билан боғланганлигини, 2,3,4,6-О- $\text{Me}_4$ -D-Man ҳосил бўлиши - ГМСнинг тикланмайдиган қисми маннопираноза қолдиқларидан иборат эканлигини кўрсатди.

ГМС перметилатининг мусбат ўзига хос айланиши ва ИҚ спектрдаги 725  $\text{cm}^{-1}$  ютилиш чизиқларининг бўлиши, ГМС ни тўлиқ ацетилланган ҳосиласини хром оксиди билан оксидлаш натижаларини тасдиқлайди ва D-галактопираноза  $\alpha$ -гликозид боғи билан боғланганлигини кўрсатади.

**ГМС нинг қисман кислотали гидролизи.** Асосий занжирдаги моносахарид қолдиқлари кетма-кетлигини ўрнатиш учун ГМС қисман кислотали гидролизга (0,25M  $\text{CF}_3\text{COOH}$ , 100°C, 5соат) учратилди. Олигосахаридлар йиғиндиси Молселект-25 колонкасидан ўтказилиб сув билан ювилди ва углеводларни чиқишини фенол-сульфат кислота усулида назорат қилиб борилди. Ажратиб олинган индивидуал олигосахаридларни стандарт намуналар билан таққосланиб 4 та олигосахарид: эпимелибиоза (*Gal-Man* ёки *Man-Gal*), маннобиоза (*Man-Man*) маннотриоза (*Man-Man-Man*) ва маннотетраоза (*Man-(Man)<sub>2</sub>-Man*) ажратиб олинди.

Шундай қилиб, олинган кимёвий маълумотлар ГМСнинг асосий занжири  $\beta$ -1,4 гликозид боғлари билан боғланган маннопираноза қолдиқларидан ва айрим манноза қолдиқлари О-6 ҳолатда  $\alpha$ -D-Galp билан боғланган тармоқланган полимер эканлигини кўрсатди.

**ГМС галактомананининг  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектри.** ГМС ҳатто паст концентрацияда ҳам сувдаги эритмаси жуда қовушқоқ эритма ҳосил қилади, бу эса  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектрини олиш имкониятини қийинлаштиради. Шу сабабли, ГМС молекуляр оғирлиги пастроқ бўлақларга деполимеризация қилинди (0,1н  $\text{HCl}$ , 85° С, 45 мин). Бундай ҳолда, моносахаридлар нисбати озгина ўзгаради ва сувли эритмаларнинг ёпишқоқлиги анча пасаяди, бу эса  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектрини олиш имкониятини қулайлаштиради.

Деполимерланган галактоманнан-ДГМС оқ аморф кукун бўлиб, сувда тез эрийди, гель - хроматография ва седиментация константаси ( $D=11.12 \times 10^{-7}$ ;  $S=2.2 \times 10^{-13}$ ) натижалари ДГМС молекуляр оғирлиги  $25300 \pm 10\%$  тенг эканлигини

кўрсатди. Деполимеризация вақтида Gal/Man нисбати деярли ўзгармайди, лекин қовушқоқлиги 2,5 баробарга камайди.

ГМС  $^1\text{H}$  ЯМР спектрининг аномер атомларининг резонанс соҳасида иккита асосий кимёвий силжиш сигнали  $\delta_{\text{H}}$  5.02 ва 4.74. м.у. кузатилиб, интеграл интенсивлик нисбати 1:2.3 га тенг эканлиги аниқланди. Қолган протон сигналлари  $\delta_{\text{H}}$  3,4 - 4,2 м.у. оралиғида жойлашган.  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектрида аномер углерод атомларининг сигналлари  $\delta_{\text{H}}$  101.32, 101.16 ва 99.97 м.у. да кузатилди.  $\delta_{\text{H}}$  95.01 ва 94.88 м.у. да кичик сигналлар аниқланиб, битта кислород атоми билан боғланган углерод атомларининг сигналлари  $\delta_{\text{C}}$  61 - 79 м.у. оралиғида кузатилди.

$^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектрларидаги сигналлар икки ўлчовли  $^1\text{H}$ ,  $^1\text{H}$  COSY, TOCSY ва ROESY гомоядро ва  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  экспериментлар HSQC ва HMBC гетероядро усулларни қўллаш билан аниқланди. COSY, TOCSY ва ROESY спектрлари полимерда  $\beta$ -маннопираноза ( $\beta$ -Manp) ва  $\alpha$ -галактопираноза ( $\alpha$ -Galp) қолдиқлари борлигини кўрсатди. HSQC спектри  $\alpha$ -Galp қолдиқлари терминал, барча  $\beta$ -Manp қолдиқлари 4-ҳолатда алмашинган бўлиб, маннопиранозанинг баъзи қолдиқлари 6-ҳолатда ҳам алмашинганлигини кўрсатди (3-жадвал).



3 - Жадвал

*C. alata* галактоманнанининг  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектридаги кимёвий силжишлар

Моносахарид қолдиқлари	Кимёвий силжишлар $^{13}\text{C}$ ва $^1\text{H}$ D <sub>2</sub> O (эталон - TSP, $\delta_{\text{C}}$ - 1.6 м.у. ва $\delta_{\text{H}}$ 0.0 м.у.)					
	C-1 H-1	C-2 H-2	C-3 H-3	C-4 H-4	C-5 H-5	C-6 H-6,6'
$\alpha$ -Galp-(1 ↓	99.97 5.02	69.60 3.82	70.45 3.94	70.55 3.99	72.44 3.89	62.39 3.74 3.74
б) →4)- $\alpha$ -D-Manp-(1→	101.16, 101.33 <sup>a</sup> 4.75 4.74 <sup>a</sup>	71.07 71.16 <sup>a</sup> 4.12	72.52 3.80	77.93 78.05 78.20 <sup>b</sup> 3.87	74.52 74.44 <sup>b</sup> 3.89	67.69 3.97 3.78
→4)- $\alpha$ -D-Manp-(1→	101.16 101.33 <sup>a</sup> 4.75 4.74 <sup>a</sup>	71.07 71.16 <sup>a</sup> 4.12	72.62 3.80	77.70 3.82	76.21 3.55	61.72 3.91 3.74

<sup>a</sup> гликозилланган қолдиқда  $\alpha$ -Galp борлиги ёки йўқлиги, <sup>b</sup> қолган қолдиқларнинг орасидаги масофага боғлиқлиги


ROESY ва HMBC спектрларидаги (1 ва 2-расмлар) H-1( $\alpha$ -Galp)/C-6 ( $\beta$ -Manp) ва H-1( $\beta$ -Manp)/C-4 ( $\beta$ -Manp) транс-гликозид корреляция чўққиларининг кузатилиши, шубҳасиз полимерда →4)- $\beta$ -Manp-(1→, занжири борлигини ва қолдиқларнинг бир қисми C-6 гидроксилида  $\alpha$ -Galp билан алмашганлиги кўрсатди.  $\delta_{\text{H}}$  5.02 ва 4.74 м.у. минор сигналларнинг мавжудлиги занжирнинг охириги тикланиш учида  $\alpha$ - ва  $\beta$ -Manp қолдиқларига хос бўлган  $\delta_{\text{C}}$  95.01 ва 94.88 м.у. →4)- $\beta$ -Manp-(1→ занжирнинг ўртача узунлиги тахминан 30 звенодан иборат эканлигини аниқлаш имконини берди.



1-Расм. *C.alata* ГМС HSQC спектри

2-Расм. *C.alata* ГМС HMBC спектри

Кимёвий ва спектрал тадқиқотлар натижаларига кўра *C. alata* ГМС- галактоманнан макромолекуласи β-1,4-D-маннопираноза қолдиқларидан иборат бўлиб, баъзи манноза қолдиқлари О-6 ҳолатда α-D-галактопираноза қолдиқлари билан алмашинган ва қуйидаги кимёвий тузилишга эга:



### *Crotalaria sp.* галактоманнани

*Crotalaria sp.* уруғи СЭПС спирт билан фракциялаб Мм 38600 Да ва Gal/Man нисбати 1:4.4 бўлган гомоген галактоманнан - ГМ-SP олинди. Галактоманнани қисқа кислотали гидролизга (0.1 н HCl, 85°C, 45 мин.) учратилиб, Мм 19 кДа, Gal/Man 1:4 ва нисбий қовушқоқлиги 2.48 (1%; H<sub>2</sub>O) тенг деполимерланган галактоманнан – ДГМ - SP олинди ушбу полисахаридни <sup>13</sup>C ЯМР спектри олиш имконини берди.

ДГМ- SP <sup>13</sup>C ЯМР спектри 60.0-105.0 м.у. оралиғида ўлчанди. ДГМ- SP ЯМР <sup>13</sup>C спектри аномер углерод атомларининг резонанс соҳасида иккита сигнални ўз ичига олади: δс 100.16 ва 101.33 м.у.

Сигнал 61.89 м.у. галактозанинг С-6 углерод атомига тегишли бўлиб, у галактозанинг пираноза ҳолида эканлигини ва шу билан бир вақтда галактопиранозадаги СН<sub>2</sub>ОН гуруҳида алмашинув йўқлигини кўрсатади. 69,94; 70,45 ва 70,55 м.у. углерод атомларига мос келадиган кимёвий силжиш қийматлари С-2, С-3, С-4 углевод қолдиқларининг гидроксил гуруҳларини алмашинмаганлигини кўрсатади (4-жадвал).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, полисахарид таркибидаги галактопиранозалар манноза қолдиғининг СН<sub>2</sub>ОН гидроксил гуруҳида тармоқланган шаклда мавжуд. Юқори майдонда иккита сигнал: 61,72 м.у. алмашинмаган СН<sub>2</sub>ОН манноза углеродига тегишли бўлса, 67.69 м.д. кучсиз сигналнинг пайдо бўлиши бир қисм манноза қолдиқларининг С-6 бўйича (Δδ=+5.97 м.у.) алмашинганлигини кўрсатиши билан бирга манноза қолдиқларининг пираноза шаклида эканлигидан ва ушбу позицияда галактопиранозанинг α-аномери билан бирикканлигидан далолат беради. 77.93, 78.05, 78.20 м.у. кимёвий силжишлар С-4 бўйича алмашинган маннопираноза қолдиқларига тегишли бўлиб, маннопираноза қолдиқлари орасида 1→4 боғларнинг мавжудлигини билдиради.

77.70 м.у. кучли майдонда С-4 углерод атомининг резонанс чизиқлари алмашмаган блокка тегишли, 77,93 м.у. ва 78.05 м.у. сигналлар моноалмашинган ва иккиалмашинган блокларга тегишли.



ДГМ-SP *Crotalaria sp.* галактоманнан  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектридаги  
кимёвий силжишлар


Моносахарид қолдиқлари	Кимёвий силжишлари $^{13}\text{C}$ ва $^1\text{H}$ в $\text{D}_2\text{O}$ (ацетон 30.89 ppm.)					
	C-1 <i>H-1</i>	C-2 <i>H-2</i>	C-3 <i>H-3</i>	C-4 <i>H-4</i>	C-5 <i>H-5</i>	C-6 <i>H-6,6'</i>
$\alpha\text{-Galp-(1}\downarrow$	99.37 5.02	69.94 3.82	70.45 3.94	70.55 3.99	72.07 3.89	61.89 3.74,3.74
